



Tadqiqot UZ

**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



Crossref



**28 FEVURAL
№25**

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 25-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
23 - ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
25-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ- 23**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
25-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART- 23**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 25-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 28 февраль 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 11 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

АГРОПРОЦЕССИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1. Трояновская Рано Абдусаттаровна, Исамухамедов Салих Шукурович СТРАУС – ИСТОЧНИК МЯСА ВЫСОКОГО КАЧЕСТВА	7
2. Хўжамуратова Юлдуз Хушмухаммад кизи, Ашурова Азиза Асқар кизи СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ ВА УНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ (Қизриқ тумани мисолида)	9



АГРОПРОЦЕССИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

УДК: 63.636.034

СТРАУС – ИСТОЧНИК МЯСА ВЫСОКОГО КАЧЕСТВА

Трояновская Рано Абдусаттаровна

Соискатель

Исамухамедов Салих Шукурович

Кандидат биологических наук, доцент

Ташкентский государственный аграрный университет

rano.troya@mail.ru

Аннотация: Рассмотрены параметры мясной продуктивности и мясных достоинств страуса. Показаны количественные и качественные показатели мяса страуса и ее высокие вкусовые и диетические качества.

Ключевые слова: Страус, диетическое мясо, холестерин, убойный выход, масса туши.

Важная проблема современного мира – обеспечение населения продуктами питания. Особое дефицитными в рационе питания являются продукты животного происхождения, прежде всего мясо. Мировой опыт свидетельствует, что основным направлением решения данной проблемы является развитие производства мяса птиц и рыбы - как источника полноценного белка, сбалансированного по аминокислотному составу. Кроме того, птицеводство и рыбоводство вследствие высокой оплаты корма приростом и быстрого оборота стада – экономически привлекательная отрасль, что немаловажно в современных рыночных условиях.

В последнее время большую популярность во всем мире приобретает разведение страусов. Это объясняется биологическими особенностями и хозяйственно-полезными признаками страусов. Биологические данные страуса свидетельствуют о высоких воспроизводительных и продуктивных качеств. При общей продолжительности жизни до 70 лет, самка начав продуцировать в 2-3 года, сохраняет способность к воспроизводству в течении 35-40 лет. Даже при оптимальной яйценоскости 42 яиц в год, от одной самки можно ожидать в год в среднем до 28 страусят, которые при выращивании до одного года при живой массе 100 кг обеспечат выход 1540 кг тушах при убойном выходе 55%. Это в семь раз превосходит продуктивность мясной коровы, которая в год производит одного теленка [1] (табл.1).

Таблица 1.

Сравнительная характеристика мясной продуктивности страуса и мясной коровы

	Самка страуса	Мясная корова
Период инкубации, дней	42	280
Число потомства, голов	38-42	1
Достигших убойного возраста, голов	28	1
Общая масса масса годового приплода, кг	2800	350
Убойный выход, %	55	60
Масса туши, кг	1540	210
Затраты корма на 1 кг живой массы, корм. ед.	4,0-4,5	8-10

Самое главное затраты корма на прирост 1 кг живой массы страуса в 2 раза меньше чем у крупного рогатого скота, что в настоящее время является наиболее актуальной проблемой, т.к. на производство мяса основные затраты приходятся на корм.



Наиболее качественное, нежное по вкусовым качествам, мясо получают от страусов в возрасте 10-12 месяцев при живой массе 90-110 кг.

Среди достоинств страусового мяса – его низкая калорийность, относительно небольшое содержание холестерина, полезный для здоровья жирнокислотный состав и высокий уровень белка свыше 21%. Как и в говядине белок страусового мяса состоит исключительно из необходимых в питании аминокислот, половину которых составляют незаменимые.

Мясо страусов характеризуется низким содержанием жира (0,9 и 1,4 %, соответственно, в сыром и вареном виде), которого значительно меньше, чем в говядине (15 %) или в мясе кур-бройлеров (3 %). Выгодно отличается оно и качеством жира. В нем гораздо больше содержится важных для человека полиненасыщенных жирных кислот (в сумме 32,5 % против 20,0% и 5,0%, соответственно, в курятине и говядине).

Содержание токсичных элементов, пестицидов, антибиотиков в мясе страусов намного ниже предельно допустимых уровней, что подтверждает абсолютную безопасность страусового мяса для потребления в пищу.

От говядины и мяса бройлеров страусовое мясо отличается низким в 1,5-2,0 раза содержанием натрия, повышенным содержанием фосфора, железа, меди и марганца.

Уникальный состав страусового мяса привлекает внимание диетологов и медиков, которые по праву считают его ценным продуктом не только для взрослых, но и для детей

В последнее время спрос на страусиное мясо значительно растет и тенденция роста является достаточно стабильной. Особенно большим спросом в ресторанах Европы и США пользуются блюда билтонг, карпачо приготовленные из мясо страуса. В настоящее время насчитывается целый ряд продуктов, которые готовятся из страусиного мяса и считаются экзотическими и дорогостоящими деликатесами: «острич- кебаб», сырокопченая колбаса, страусиное филе, стейки, бескостные вырезки [2].

Вышесказанные достоинства мясо страуса подтверждают необходимость разведения этой птицы в Узбекистане и проводимая исследовательская работа в Ташкентском государственном аграрном университете и получаемые результаты будут иметь большое научное и практическое значение.

Список использованной литературы

1. Л.Н.Фролов, В.Н.Василенко и др. « Особенности кормления страусов в условиях малых фермерских хозяйств. Инновация и экспертиза, 2016, вып. 2(7) с. 183-184.
2. Г.А.Микритичев, Н.П.Морозов, Л.Ю.Малякина. «Страусоводство – надежный источник высококачественного мяса. Зоотехния 2011, №12, с 24-25.



СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ ВА УНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ (ҚИЗРИҚ ТУМАНИ МИСОЛИДА)

Хўжамуратова Юлдуз Хушмуҳаммад қизи

Қизириқ агротехнологиялар техникуми 1-курс талабаси

Ашурова Азиза Асқар қизи

Қизириқ агротехнологиялар техникуми 1-курс талабаси

Тел: +998(90) 522 11 55

nurullayevazamxon@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада шўрланган ерлар ҳолатини яхшилаш мақсадида ер ости сувлари сатҳини пасайтириш, суғориш ва шўр ювиш тизимлари, муддатлари ва нормалари, янги зовурлар қозиш, эскиларини тозалаш ҳамда ўғитлаш тадбирларини олиб бориб, тупроқ мелиоратив хоссаларини яхшилаш йўллари баён этилган.

Калит сўзлар: Шўрланиш, зовурлар, ер ости сувлари, суғориш майдони, милорация, суғориш, капилляр йўллар

Ҳозирги вақтда дунё ҳамжамятида агроэкологик муаммоларнинг ниҳоятда жиддийлашуви, биосферада кечаётган салбий оқибатлар, ўсимлик ва ҳайвонот олами, умуман табиатда бўлаётган ўзгаришларни ўрганиш биз тупроқшунослар олдидаги энг долзарб вазибалардандир.

Сурхондарё вилоятининг умумий ер майдони 2,1 млн. гектарни ташкил этади. Шундан 331,5 минг гектари суғориладиган, 287,7 минг гектари деҳқончилик қилинадиган ерлардир. Вилоятда ўрмон хўжалигига қарашли ерлар 277,0 минг гектар бўлиб, 198,5 минг гектари дарахтзор ва бутазорлардан иборат. 35,3 минг гектар ерни мевали боғлар ташкил этади.

Сурхондарё вилоятида шўрланган ерларнинг умумий майдони 128600 гектарни ташкил этади. Айниқса, Музробод, Шеробод, Ангор, Қизириқ, Бандихон туманларида турли даражада шўрланган ерларни учратиш мумкин.

Биргина Қизириқ туманининг ўзида умумий суғориш майдони 29605га ни ташкил қилса, шундан шўрланмаган майдон 4427га, шўрланган майдон 25178га, кам шўрланган 14919га ни, ўртача шўрланган 10024га ни, кучли шўрланган ерлар эса 235га ни ташкил қилади.(01.10.2019 й.)

Қизириқ зонаси тупроқлари шўрланишнинг асосий сабабларидан бири, бу зонада буғланиш миқдорининг ёғингарчилик кам бўлганлиги бўлса, иккинчиси ер ости сизот сувларининг ер юзасига яқин жойлашганлиги ва сув таркибидаги тузлар буғланиши сабабли тупроқнинг юза қисмида қолиб, тупроқ шўрланиши ҳисобланади.

Яна энг муҳим сабабларидан суғориш техникасига риоя қилмасдан, шудгорларни кўллаиб суғориш, ер юзасининг бир текисда шудгорланма-ганлиги, яъни паст-баланд ҳолича текисланмасдан шудгорланиб, сувнинг шўри тупроқ юзасида қолиб кетиши, ерни оби-тобига келтирмасдан суғориш ҳам тупроқнинг шўрланишга олиб келади.

Бундан ташқари шўрланган тупроқларни ювиш ва шўрланиши олдини олиш учун қурилган коллектор дренажларнинг қаровсиз ҳолга келиб қолгани, қувурларнинг кўпчилик қисми тешилиб, фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолганлиги, яна кўп жойларда яхши ишламаслиги бўлса, шўр ювиш учун қазилган зовурларнинг жуда кўпчилик қисми тўлиб, фақат мавсум пайтларида тозаланиб, бошқа пайтларда эса қаровсиз бўлиб, зовур сувлари шудгорларга ҳам оқиб, бу ернинг тупроқларини қайта шўрланишга олиб келмоқда ва зовурларнинг айрим жойлари эса тўғридан-тўғри шудгорлар олдига келиб тўхтаб қолганлиги, далалардан пала-партиш қилиб, ўргаларидан ҳам зовурлар қазиб, охирига етказилмаганлиги энг ачинарли ҳол бўлиб, мелиорация ва ирригация ишлари билан шуғулланувчи мутасадди шахсларнинг бефарқликлари туфайли тупроқнинг ишлаб чиқаришдан чиқиб кетиши кескин ошиб кетмоқда.

Шўрланган ерлар ҳолатини яхшилаш тадбирларининг энг асосийси - ер ости сувлари сатҳини пасайтириш, янги зовурлар қозиш, эскиларини тозалаш ва шўр ювиш ишларини олиб боришдир.

Суғориладиган ерлардаги шўрхоқлар мелиорациясида қўйидаги асосий тадбирларни амалга ошириш мумкин.



1. Далалар атрофидаги коллекторлар ва зовурларни қазиб ёрдамида сизот сувлар сатҳини пасайтириб сувнинг капилляр йўллари орқали ер бетига кўтарилишини тўхтатиш.
2. Далалар ва суғориш объектлари атрофида ихота дарахтзорларни барпо этиш.
3. Тупроқ қатламларида йиғилган, сувда эрийдиган зарарли тузларни ювиш (асосан шўрхокларни ювиш одатда кеч кузда ва қиш мавсумида олиб борилади).
4. Ўғитлаш ҳамда гипслаш тавсия этилади.

Шўрланган ерлар ҳолатини яхшилаш тадбирларининг энг асосийси – ер ости сувларини пасайтириш, яни зовурлар қазиб, эскиларини тозалаш ва шўр ювиш ишларини олиб боришдир. 1997-йилда биргина Сурхондарё вилоятининг ўзида 13000 гектарда шўр ювиш ишлари амалга оширилган, 5751 км узунликдаги зовурлар ишлаб турибди. Ўтган йилларда 11.8 км янги зовур қазиб ишга туширилган, ҳамда мавжуд зовурларнинг 2017 км узунликда бўлган қисми тозаланган, аммо бу мавжуд зовурларнинг 50% ини ташкил этмаса ҳам, олдинги йилларга қараганда 5-6 баробар кўп.

Далалар атрофида ва суғориш объектлари атрофида ихота дарахтзорларни барпо этиш, дала атрофида иқлимнинг иссиқлиги ва куруқлигини ҳамда шамолнинг таъсирини камайтиради. Бу эса тупроқ юзасидан сувнинг буғланиб кетишини анча секинлаштиради, натижада паски қатламдаги сизот сувини юқорига кўтарилишини, ҳамда тупроқ шўрланишини камайтиради.

Тупроқ қатламидаги зарарли тузларни йўқотиш учун тупроқ ювилади. Сизот сувларнинг чуқурлиги эса тупроқнинг шўрланиш даражаси сув ўтказувчанлик хусусиятига боғлиқ бўлади ва шунга қараб ҳар қайси дала учун ўзига хос сув нормаси ва ювиш сони белгиланади. Шўрланган тупроқ 1-2 марттадан 10-15 марттагача ювиши ҳар ювишда бериладиган сув нормаси гектарига 2-3 минг кубаметрдан 15-20 минг кубаметргача бўлиши мумкин. Одатда шўрхоклар ювилишдан олдин тупроқдаги тузларнинг кимёвий таркиби аниқланган бўлиши керак. Агар тупроқда натрий тузлар (NaCl , Na_2CO_4 ва бошқалар) бўлса, ювишдан олдин далага гипс солиш тавсия этилади. Алмашлаб экиш, далаларда тупроқ бетини тез-тез юмшатиш ва органик ўғитлар (гўнг, торф, компост ва бошқалар) солиш ҳам шўрхок тупроқлар хоссаларини яхшилайдди. Шўри ювилган далаларга эса дастлабки йиллари бошоқли ҳамда дуккакли ўсимликлар (буғдойиқ, беда) экиш тавсия этилади.

Ўғитлаш: шўртоб ҳамда шўрхоклашган тупроқларнинг физик хоссалари ва озик режимини яхшилаш учун ерга мунтазам равишда органик модда (гўнг) ва азотли, фосфорли минерал ўғитлар солиш энг муҳим тадбир ҳисобланади.

Органик ўғитларнинг чириши натижасида, структурасиз устки қатламда структура элементлари пайдо бўла бошлайдди. Бундай агробиологик усуллардан ташқари, агрохимик мелиорацияни яъни шўртобларга гипс солишни ҳам қўллаш зарур бўлади. Тупроққа гипс солинганда сингдирувчи комплексдаги Na^+ (катиони) Ca^+ (катиони)ни билан алмашинади ва тупроқнинг ишқорий реакцияси нейтраллашади. Бунинг натижасида тупроқнинг физик, физик-кимёвий хоссалари ва унумдорлиги ортади.

Ерни ишлов беришда жорий этилган агротехникада қатқалоқ билан курашиш, чуқур хайдаш ва хайдалган қатлам остидаги берч қаватни юмшатишга алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қўзиёв Р., Сектименко В., Исмонов А. «Ўзбекистон тупроқ харитаси» Тошкент, 2008
2. Х.Х.Зокиров «Агрохимё», Тошкент, 1998
3. Азимбоев С.А. «Ўзбекистоннинг жанубий қисми тупроқлари ва уларни мелиоратив ҳолати». Тошкент, Фан, 1991
4. А. Авликулов. «Гидромодульное районирование и режим орошения культур хлопкового севооборота при интенсивном ведении их в Сурхан-Шерабадской долине». Ташкент, Мехнат, 1992
5. Қизирик тумани мелорация бўлими маълумотлари.(01.10.2019й)

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 25-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(23-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 28.02.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000
